ПЕДАГОГИК РИТОРИКА ИСТИҚБОЛЛАРИ

А.Т.Нурманов, Ж.А.Исақов

Мақолада риториканинг инсоният цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни ва ривожланиш тарихи қисқача ёритилган. Хусусан, педагогик риториканинг бугунги кунда кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишда тутган ўрни, унинг асосий тушунча ва категорияларини ёритишга бағишланган.

***Калит сўзлар**: риторика, педагогик риторика, коммуникатив ва риторик компетенция, самарали мулоқот, дидактик имкониятлар, мулоқот технологияси ва техникаси*

Статья посвящена вопросам возникновения, истории и современным тенденциям развития риторики, педагогической риторики, их основным категориям

***Ключевые слова**: риторика, педагогическая риторика, коммуникативная и риторическая компетенция, эффективное общение, дидактические возможности, технология и техника эффективного общения*

The article is devoted to the emergence, history and contemporary trends in the development of rhetoric, pedagogical rhetoric, their main categories.

***Key words:** rhetoric, pedagogical rhetoric, communicative and rhetorical competence, effective communication, learning opportunities, technology and technique of effective communication.*

Ҳар қандай фаннинг истиқболлари тўғрисида объектив фикр-мулоҳаза юритиш унинг фан сифатида келиб чиқиш илдизлари, тарихий даврларда ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, бугунги кундаги ривожланиш тенденциялари, бошқа фанлар билан интегратив алоқалари каби масалаларга тўхталиб ўтишни тақозо этади.

Риторика қадимги Грецияда шаклланган бўлиб, нутқ тўғрисидаги биринчи фан сифатида эътироф этилади [2.6-9]. Нутқ фаолиятига ўргатиш амалий эҳтиёжи билан параллел равишда педагогик риторикага асос солинган. Замонавий риторика назариётчиларидан бири Ю.В.Рождественскийнинг фикрича, педагогиканинг асосчиларидан ҳисобланувчи Квинтилиан риторикани ўқитиш мисолида ўзининг таълим ва тарбия назариясини яратган [3.34]. Демак, педагогик риторика ҳам фан сифатида энг қадимги даврларда шаклланиб, гоҳ гуркираб ривожланган, гоҳида эса таназзулга юз тутган. Тарихий даврларнинг турли босқичларида риторикага муносабат ўзгариб турган. А.А.Волковнинг таъкидлашича, риторика назариясига ижтимоий қарама-қаршиликлар туртки бериб келган. Аристотель “Риторика” асарини демократик Афина тақдири шогирди Александр Македонский томонидан ҳал қилиб бўлингандан кейин яратган, риторикага оид иккинчи буюк асар – Квинтилианнинг “Нотиқ тарбияси” рисоласи Цезардан Гальбагача юз йил давом этган давлат тўнтаришлари, сиёсий ва ижтимоий инқилоблардан кейин яратилган [4.7].

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, қайси тарихий даврда бўлишидан қатъи назар, инқилоблар жамият тараққиётида, унинг маданиятида чуқур ўзгаришларга туртки бўлади. XVII асрдаги инглиз, XVIII-XIX асрлардаги француз, XX асрдаги рус ва хитой революциялари, ўтган асрнинг 90-йилларидаги «СССР» деб аталмиш давлатнинг таназзулга юз тутиши оқибатида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши – буларнинг барчаси ушбу жамиятларда туб бурилишларга туртки бўлди.

Мустақиллик туфайли жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида инсон манфаатларига хизмат қилувчи ислоҳотлар амалга оширилди, тарихимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз тикланди ва жадал ривожлана бошлади. Жамият тараққиёти коммуникатив (нутқий) муносабатларнинг шаклланганлик даражаси билан белгиланаётган бугунги дунёда барча касбий соҳалар учун ўз профессионал вазифаларини самарали бажара оладиган, мустақил дунёқараш ва фикрга эга етук кадрлар тайёрлаш аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу маънода республикамизнинг “Давлат тили тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Қонунлари,”Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” каби ҳужжатларда маънавий ва маърифий тарбияга, тил ва нутқ маданияти масалаларига алоҳида эътибор берилган. Замонавий кадрлар авваламбор ўз она тилининг чинакам соҳиби бўлмоғи лозим.

Президентимиз И.А.Каримов: “Ўз фикрини мутлақо мустақил, ўз она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин”, - деб таъкидлаган эди ўзининг нутқларидан бирида [1.9]. Президентимизнинг бу фикрларида айнан риторика фани олдидаги вазифалар ифода этилганига гувоҳ бўламиз.

Педагогик риторика умумий риториканинг суд риторикаси, сиёсий риторика, академик риторика, диний риторика, дипломатик риторика каби йўналишларидан бири бўлиб, унинг умумий қонуниятлари, категорияларидан фойдаланади. Риторика филологик фанлар туркумига кириб, лингвистика, стилис-

тика, адабиётшунослик, психолингвистика, матн лингвистикаси, психология, педагогика, фалсафа каби фанлар билан чамбарчас боғлиқ ва замонавий талқинда “ишонарли, безатилган, ўринли ва самарали нутқ тўғрисидаги, нутқий коммуникациялар (муносабатлар) тўғрисидаги, шахсни нутқ ёрдамида тарбиялаш тўғрисидаги” [5.8] таълимотдир.

Педагогик риторика ўз навбатида “педагогнинг касбий оммавий нутқини яратиш қонуниятлари ва самарадорлиги шартлари тўғрисидаги билимлар соҳасидир” [6.6]. Педагогик риториканинг асосий мақсади бўлажак ўқитувчининг коммуникатив ва риторик компетентлигини шакллантириш муаммосини ҳал қилиш бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажаришни назарда тутади:

- мулоқот моҳияти, нормалари ва қоидалари, турли хил коммуникатив вазиятларда мулоқот одобига нисбатан талаблар тўғрисидаги риторик билимларни бериш;

- коммуникатив (риторик) кўникмаларни ҳосил қилиш;

- ўқитувчи касбий фаолиятига хос бўлган коммуникатив нутқий вазият ҳамда педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятларини англатиш;

- аниқ мулоқот вазиятларида коммуникатив ва нутқий вазифаларни ҳал қила билиш кўникмаларини шакллантириш;

- касбий аҳамиятга молик матнларни яратиш ва таҳлил қилиш малакасини ҳосил қилиш;

- эгаллаган билим ва кўникмаларини доимий ўзгариб турадиган янги коммуникатив вазиятларда қўллай оладиган, турли хил касбий вазифаларни мустақил ҳал қила биладиган ижодий фаол шахсни ривожлантириш;

-педагогик мулоқот намунаси сифатида қаралмиш риторик идеал образи моҳиятини талабаларга сингдириш [7.7].

Риторик идеал – педагогик риториканинг марказий категорияларидан биридир. Унинг моҳияти антиқ риторикада “ритор” (нотиқ) образи орқали очиб берилгани, бугунги кунда замонавий нотиқ образига, педагог мулоқоти ва унинг шахсига қўйилаётган талабларда ўз ифодасини топганини кўрамиз. Жумладан, антик риторикада нотиқ фаол, мулоқотга киришувчан, ўқимишли ва одобли, аудиторияни ҳурмат қиладиган шахс ҳисобланган. Бундан ташқари, нотиқ образи ҳақиқатгўйлик, компетентлик, оммавий нутқ мазмуни ва шакли учун шахсий масъулият, камтарлик, ўз аудиториясига нисбатан ҳурмат, бошқа нотиқларнинг фикрига эътиборли бўлиш, нутқнинг ўринли бўлиши, мазмуннинг долзарблиги, эҳтиёткорлик (нутқ оқибатларини олдиндан кўра билиш), ишонарлилик, ифодалилик, фикрни қисқа ва лўнда ифода эта олиш, бадиийлик каби хусусиятлар орқали таъриф этилади. Классик риторикада нотиққа нисбатан қўйилган бундай талаблар “**этос**” категорияси мазмунини ташкил этади.

“**Пафос**”тушунчаси нотиқнинг аудиторияга нисбатан эмоционал муносабатини ифода этиб, унинг ёрдамида нотиқ ўз тингловчиларида турли хил эмоционал билим, диққат, ният, ҳаракат, ҳақиқатни билишга интилиш каби хусусиятларни тарбиялашни назарда тутади. Риторик пафос ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий пафосдан нотиқ ўқувчиларда ахлоқий хусусиятлар ва ижодий қобилиятларни шакллантириш, уларни яратувчанлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида фойдаланади.

“Логос” – бу нутқ мазмунини ўқувчиларга тушунарли қилиб ифодалаш учун нотиқ томонидан фойдаланалидиган риторик воситалар жамидир. Фикрни аргументлаш ана шундай воситалар сирасига киради [8.147].

Педагогик риториканинг асосий категорияларидан яна бири бу коммуникатив вазиятдир. Бўлажак ўқитувчилар коммуникатив вазият тушунчаси, турли коммуникатив вазиятларда мулоқот одобига нисбатан белгиланган талаблар, мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий вазифалари, коммуникатив интенция (мулоқот мақсади), мулоқот даражалари, мулоқот самарадорлигини таъминловчи нолисоний воситалар (мулоқот жойи, шароит, вақт, мулоқот субъектларининг ижтимоий мавқеи, ёши ва ҳ.к.), педагогик мулоқот услублари билан яқиндан танишишлари шарт.

Риторика ва педагогик риторикада нутқни яратиш, ғояни шакллантириш, мавзуни аниқлаш **топос (**лот. topos — жой) технологияси орқали амалга оширилади. Топослар, шунингдек, “умумий жойлар” деб ҳам аталади, чунки улар муайян жамиятда умумэътироф этилган ахлоқий ва фалсафий тушунчалар мазмунини ташкил этади. Топослар нутқ мазмунини яратиш ва фикрни ривожлантириш йўллари, ўзига хос нутқий моделлар сифатида қаралиши ҳам мумкин [5.69]. Замонавий риторикада аниқловчи, бутун – қисм, умумий – хусусий, хусусиятлар – сифатлар – таърифлар, таққослов, қарама-қаршилик (антитеза), ном, сабаб ва оқибат, шарт, муроса, вақт (замон), жой, намуна (мисол) каби топослар тавсия этилади.

Бўлажак ўқитувчиларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлаш борасида топослар нутқий моделлар сифатида алоҳида аҳамият касб этади, уларни ўзлаштириш, амалиётга татбиқ этиш ушбу жараён самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Педагогик риториканинг долзарб муаммоларидан бири нутқ маданияти масаласидир. Ушбу тушунча илмий адабиётларда турлича талқин қилиниб, унинг тадқиқот предмети масаласи ҳанузгача тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. Бугунги кунга келиб нутқ маданияти предмети масаласида бир неча ёндашувлар мавжуд. Бу масалага анъанавий қарашлар С.И.Ожегов ва Л.И.Скворцовларнинг [9] “нутқнинг тўғрилиги” ва “нутқ маданияти” адабий тилни ўзлаштиришнинг икки хил даражаси экани тўғрисидаги фикрларига асосланган бўлиб, асосий камчилиги “тил мадания-

ти” ва “нутқ маданияти” тушунчалари охиригача аниқ бир-биридан ажратилмаган. Бундай ёндашувга кўра, нутқ маданияти тушунчасининг моҳияти асосан тил нормаларига риоя этиш деб тушунилади. Нутқ маданияти моҳияти иккинчи ёндашувга кўра риторика билан яқинлашади ва мулоқот маданияти сифатида талқин қилинади. Бунда нафақат адабий тил нормалари, балки коммуникатив ва этик нормалар, мулоқотнинг нолисоний воситалари ва бошқалар устувор аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, нутқ маданияти тушунчаси моҳияти, унинг тадқиқот объекти фаолиятли ёндашув асосида нутқ фаолияти маданияти сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқдир. Демак, “ўқитувчи нутқ маданияти” тушунчасининг ўрнига “ўқитувчининг нутқ фаолияти маданияти” ёки “ўқитувчининг мулоқот маданияти” тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса гапириш, эшитиш, ёзиш, тинглаб тушуниш маданиятини назарда тутади.

Педагогик риторикада нутқ маданияти ўқитувчининг мулоқот маданияти моҳиятини ташкил этади ва педагогик мулоқот жараёнида таълимий ва тарбиявий мақсадларга эришишнинг энг оптимал йўлларини эгаллаганлик лаёқати сифатида таърифланади. Педагогик мулоқот маданиятини эгаллаш қуйидагиларни назарда тутади:

- жамиятимиз ва менталитетимизга хос коммуникатив норма ва қоидаларни билиш;
- таълим ва тарбия амалга оширилаётган тилнинг адабий нормаларини мукаммал эгаллаш;
- нутқнинг коммуникатив сифатларига эришиш;
- умуминсоний ва педагогик мулоқот назарияси, самарали мулоқот технологияси ва техникаси, вербал ва новербал мулоқот воситаларини ўзлаштириш ва улардан унумли фойдаланиш;
- таълим олувчиларнинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини билиш;
- таълим олувчиларга нисбатан қадриятли ёндашув;
- мулоқот санъати ва риторик технологияларни эгаллаш;
- мулоқот этикаси ва этикетини ўзлаштириш;
- ўз мулоқот маданияти ва риторик қобилиятларини доимий равишда такомиллаштириб бориш, коммуникатив идеалга интилиш.

Риторика бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатлари таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг нутқий компетентлилигини шакллантирувчи асосий фан сифатида жорий қилинган, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожланиб бормоқда.

АҚШ, Хитой, Япония, Россия каби мамлакатларда риторикага давлат даражасида эътибор қаратилган. Жумладан, АҚШда Дейл Карнеги фаолияти ва у асос солган Инсон муносабатлари ва нотиқлик санъати институти фаолияти, Россия таълим тизими барча босқичларида риториканинг мустақил ўқув фани сифатида жорий қилингани, халқаро ва мамлакат даражасида конференцияларнинг ташкил этилаётгани, риторика тарихи, назарияси ва амалиёти бўйича монография, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг чоп этилаётгани ушбу мамлакатларда замонавий коммуникатив муносабатларга ёш авлодни тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Республикамиз таълим тизимида ҳам бўлажак мутахассисларни мустақил ижтимоий муносабатларга тайёрлаш, уларда ўз она тилида, хорижий тилларда юксак мулоқот маданиятини шакллантириш, маданиятлараро толерант фуқарони тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқдаки, бу узлуксиз таълим тизимида риторик билимларни татбиқ этиш, бўлажак мутахассисларнинг коммуникатив ва риторик компетентлилигини шакллантириш ва ривожлантириш, жамиятимиз аъзоларида риторик маданиятни қарор топтириш каби вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т, 1997.-
2. Адо И. Свободные искусства и философия в античной мысли / Пер. Е. Ф. Шичалиной.- М., 2002.- 479 с.
3. Рождественский Ю. В. Теория риторики. 2-е изд., испр.- М.: Добросвет, 1999.- 482 с.
4. Волков А.Л.Теория риторической аргументации. - М.: МГУ, 2009. –398 с.
5. Аннушкин В.И. Риторика. Экспресс-курс: [Электронный ресурс] учебное пособие/ В.И.Аннушкин. 3-е изд., стереотип.-М.: Флинта: Наука,2011.- 224 с.
6. Педагогическая риторика: учебник для студ. учреждений высш. проф. образования / [Л.В.Ассуирова, Н.Д.Десяева, Т.И.Зиновьева и др.]; под ред. Н. Д. Десяевой.- 2-е изд.,стер.- М.: Академия, 2013.– 256 с.
7. Ипполитова Н.А. Педагогическая риторика.- М., 2001.- 480 с.
8. Волков А.Л.Теория риторической аргументации. - М.: МГУ, 2009.- 398 с.
9. Ожегов С. И. Словарь русского языка: Ок. 60 000 слов и фразеологических выражений / Л. И.Скворцов. – 25-е изд., испр. и доп. – М.: Оникс, 2008.– 736 с.

Тошкент давлат педагогика университети,
Андижон давлат университети,
2015 йил 17 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ҳасанов)